

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29.11.2018.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**МУСАЕВА ФЕРУЗА ТОРАХАНОВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ЖИНС ТУШУНЧАСИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in  
philological sciences**

**Мусаева Феруза Торахановна**

Ўзбек тилида жинс тушунчасининг ифодаланиши..... 3

**Мусаева Феруза Торахановна**

Выражение пола в узбекском языке..... 25

**Musaeva Feruza Torakhanovna**

The representation of gender in Uzbek..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works..... 50

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29.11.2018.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**МУСАЕВА ФЕРУЗА ТОРАХАНОВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ЖИНС ТУШУНЧАСИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fil16 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти веб-саҳифасининг [www.tai.uz](http://www.tai.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталининг [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мадвалиев Абдуваҳоб Патахович**  
филология фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Усманова Шоира Рустамовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Каримов Суюн Амирович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даража берувчи DSc.29.11.2018.Fil.46.03 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (871) 233-36-50, факс: (871) 233-71-44; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Маҳмудов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**Ё.Одилов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, ф.ф.д.,  
катта илмий ходим

**Д.Худойберганова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, ф.ф.д., катта илмий ходим

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида тиллардаги категориялар, жумладан, жинс категорияси ифодасига бўлган қизиқиш ҳеч қачон сўнмаган. Сўнгги пайтларда жинс тушунчасини қамраб олувчи гендер тадқиқотлар кўпайиб бормоқда. Бу ҳолат XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида айниқса жадаллашиб, буни постмодернистик фалсафанинг гуманитар фанларга бўлган таъсири билан изоҳлаш мумкин. Аёл ва эркаклар нутқидаги фарқлар, паремиологик фондда аёл ва эркак манзараси каби муаммолар қиёсий аспектда ўрганилмоқда. Бу ҳолат жинс ва гендер категорияларининг фарқи, тилда жинс тушунчасининг ифодаланиши ва жинс тушунчасини ифодалашда фаол бўлган лисоний воситаларни жаҳон тиллари мисолида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон тилшунослигида жинсни ифодаловчи сўзлардаги интеграл ва дифференциал семалярни аниқлаш, инсондаги ижтимоий ва биологик жинс ўртасидаги муносабатни белгилаш, турли тизимли тиллар мисолида биологик жинс тушунчасининг ифодаланишини ёритиш ҳамда жинс тушунчасининг лисоний ифодасида миллий қадрият, халқ маданиятининг ролини асослашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан айни масалаларни миллий тиллар мисолида кўриб чиқиш бугунги тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мустақилликка эришгач, ўзбек тилшунослиги олдида ўзбек тилининг нуфузини жаҳон миқёсида ошириш, унинг лисоний имкониятларини тўлақонли очиб бериш, дунёдаги бошқа тиллардан асло кам эмаслигини исботлаб бериш каби муҳим вазифалар қўйилди. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчилари билан бўлган учрашувда мамлакатимиз раҳбари буни алоҳида таъкидлаган эди: «Она тилимизнинг бойлигини, унга хурматингиз ва муҳаббатингизни тилимизни дунёга тараннум этиш билан кўрсатишингиз керак»<sup>1</sup>. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ўзбек тилшунослигининг ҳозирги босқичида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Аммо ўзбек тилини тадқиқ қилишнинг бир қатор муҳим масалалари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Шу маънода, ўзбек тилида биологик жинс тушунчасини ифодалаш усулларини аниқлаш, жинс маъносини ифодалашда миллий дунёқарашнинг аҳамиятини белгилаш, жинс тушунчасини билдирувчи сўзларда маъно тараққиётини ойдинлаштириш бугунги ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4794-сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2728-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги

<sup>1</sup>Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги. 2017 йил 23 декабрь.

ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг «I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек тилшунослигида биологик жинс тушунчасининг лисоний ифодаси хусусида ҳали алоҳида йирик илмий иш яратилган эмас. Аммо биологик жинс тушунчасининг айрим сатҳлар (лексика, морфология, синтаксис)да ифодаланишига доир мулоҳазалар айтиб ўтилган. Жумладан, А.Н.Кононовнинг «Грамматика узбекского языка» (1948)<sup>2</sup> китобида, «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (1966)<sup>3</sup> ўқув қўлланмасида жинс категориясига алоҳида бўлим ажратилиб, ўзбек тилида от сўз туркуми доирасида жинс тушунчасининг лексик ва морфологик ифодаланишига оид айрим мисоллар келтирилган. Айтиш мумкинки, бу ҳол рус тили дарсликларига тақлидан дарслик яратиш анъанаси билан боғлиқ бўлган. Ўзбек тили бўйича яратилган кейинги дарсликларда бу анъана кузатилмайди. Аммо ўзбек тилида биологик жинснинг ифодаланишини ўрганиш масаласига доир мулоҳазалар айрим тилшунослар асарларида, илмий мақолаларида кўзга ташланиб туради. Хусусан, Э.Бегматов «Исмларда жинс тушунчасининг ифодаланиши» (1972)<sup>4</sup> номли ишида киши исмларида жинс тушунчасининг ифодаланишига атрофлича тўхталиб ўтган. Туркий тиллар миқёсида ўрганилган ишлардан И.А.Исмоиловнинг «Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари» (1966)<sup>5</sup> номли асарини келтириш мумкин. Унда муаллиф қариндошлик терминларини қозоқ, ўзбек, қирғиз, туркман, қорақалпоқ тиллари материалларини қиёслаш асосида ўрганган. Шунингдек, «Ўзбек халқ шевалари луғати» (1971)<sup>6</sup>да А.Ишаев томонидан тузилган қавм-қариндошлик ва унга ёндош бўлган шевага хос сўзлар луғати берилган. Ўзбек тилида жинс категориясига оид баъзи мулоҳазалар Л.Решетова ва Қ.Умууровларнинг «Род ва жинс категориясининг лексик-грамматик

<sup>2</sup> Кононов А. Н. Грамматика узбекского языка. – Ташкент: Госиздат, 1948. – С. 31–32.

<sup>3</sup> Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 208–209.

<sup>4</sup> Бегматов Э.А. Исмларда жинс тушунчасининг ифодаланиши // Ўзбек исмлари имлоси (Русчада ёзиш масалалари). – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 363–379.

<sup>5</sup> Исмоилов И. А. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. – Тошкент: Фан, 1966.

<sup>6</sup> Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 320–385.

хусусиятлари»<sup>7</sup> номли мақоласида ҳам келтирилган. Ўзбек ва инглиз тилларида жинс тушунчасининг ифодаланиши масаласи М.Расулованинг айрим мақолаларида, хусусан, «Жинс тушунчасининг турли тилларда ифодаланишига доир»<sup>8</sup>, «Хайвон номларида жинс тушунчасининг ифодаланиши»<sup>9</sup>, «Инглиз ва ўзбек тилларида жинс тушунчасининг ифодаланиши ҳақида»<sup>10</sup> ишларида кўриб чиқилган. Олиманинг мазкур ишлари қиёсий характерга эга. Сўнгги пайтларда ўзбек тилида жинс тушунчасининг ифодаланиши масаласи қатор тадқиқотчиларни ўзига жалб этди. Хусусан, Ҳ.Дадабоевнинг «Илк эски туркий тилда эркак жинсининг ифодаланиши»<sup>11</sup>, ёш тадқиқотчи Ш.Хўжаниёзованинг «Девону луғотит турк»даги умумий ва фарқли маъноли лексик бирликлар хусусида»<sup>12</sup>, «Девону луғотит турк»даги хайвонлар жинсини ифодаловчи лексемалар»<sup>13</sup> номли мақолаларида жинс тушунчасининг ифодаланиши масаласи қадимги туркий ва эски ўзбек тили материаллари асосида тадқиқ этилган. У.Йигиталиев жинс концептининг семантик-функционал тадқиқини амалга оширган<sup>14</sup>. Аммо шу кунга қадар ўзбек тили материаллари асосида тилимизда биологик жинс тушунчасини ифодалашнинг лексик-семантик, морфологик, синтактик ва аралаш усуллари яхлит монографик тадқиқот доирасида ўрганилган эмас. Бу эса ушбу диссертация ишининг мавзуси долзарб эканлигини яна бир қарра исботлайди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг илмий-тадқиқот режалари ҳамда ФА-Ф1-Г041 «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» (2012–2016 йй.) лойиҳаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тилда жинс тушунчасининг ифодаланиши тарихини, ўзбек тилида биологик жинс тушунчасини ифодалашнинг лисоний усуллари аниқлаш, биологик жинс маъноси ифодаланган сўзларнинг лексик-семантик хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

<sup>7</sup> Решетова Л., Умуров Қ. Род ва жинс категориясининг лексик-грамматик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1975. – №6. – Б. 31–35.

<sup>8</sup> Расулова М. Жинс тушунчасининг турли тилларда ифодаланишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – №3. – Б. 66–69.

<sup>9</sup> Расулова М. Хайвон номларида жинс тушунчасининг ифодаланиши // Халқ таълими, 1997. – №1. – Б. 117–119.

<sup>10</sup> Расулова М. Инглиз ва ўзбек тилларида жинс тушунчасининг ифодаланиши // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 1997. – №1. – Б. 87–89.

<sup>11</sup> Дадабоев Ҳ. Илк эски ўзбек тилида эркак жинсининг ифодаланиши / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. – №5. – Тошкент, 2011. – Б. 31–35.

<sup>12</sup> Хўжаниёзова Ш. “Девону луғотит турк”даги умумий ва фарқли маъноли лексик бирликлар хусусида / Докторант, аспирант, тадқиқотчи ва талабаларнинг илмий-назарий конференцияси мақолалар тўплами. – Тошкент, 2010. – Б. 78–82.

<sup>13</sup> Хўжаниёзова Ш. “Девону луғотит турк”даги хайвонлар жинсини ифодаловчи лексемалар / Лингвист. – Тошкент, 2010. – Б. 84–87.

<sup>14</sup> Йигиталиев У. “Жинс” концептининг семантик-функционал тадқиқи // Ўзбек тили ва адабиёти – Тошкент, 2017. – №4. – Б. 81–83.

тилда биологик жинс тушунчасини ифодалашнинг мазмун-моҳиятини белгилаш, жинсни ифодаловчи лингвистик бирликларни аниқлаш;

ўзбек тилида биологик жинсни ифодалаш усулларини аниқлаш ва уларни тавсифлаш;

тарихий, диалектологик, терминологик ва фразеологик луғатлар, бадий ва публицистик матнлардан биологик жинс тушунчасини ифодаловчи лексик-семантик ва синтактик бирликларни тўплаш ҳамда уларнинг лексикографик таснифини амалга ошириш;

ҳозирги ўзбек адабий тили ҳамда ўзбек шеваларидаги жинс тушунчасини ифодаловчи лексик бирликларни мавзуй гуруҳларга ажратиш;

ўзбек тилидаги жинс тушунчасини ифодаловчи сўзлардаги жинс маъноси мавқеини белгилаш ҳамда жинс тушунчасини ифодаловчи сўзлардаги маъно тараққиёти турларини кўрсатиш.

**Тадқиқотнинг объекти** ўзбек тилида жинс тушунчасини ифодаловчи лексик, грамматик ва синтактик воситаларни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», чорвачилик, паррандачилик, тиббиёт терминлари луғатлари, диалектологик тадқиқот материаллари, бадий ва публицистик асар матнлари, шунингдек, энг қадимги даврлардан тортиб ҳозиргача яратилган тарихий луғатларда келтирилган материаллар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий усул, таснифлаш, тавсифлаш, синхрон ва диахрон ёндашув ҳамда лингвопоэтик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

дастлаб тилдаги барча сўзлар умумий жинс тушунчасини ифодалаганлиги, жинс тушунчасини ифодалаш тил тараққиёти натижасида юзага келганлиги аниқланган;

ўзбек тилида биологик жинс тушунчаси лексик-семантик, морфологик, синтактик, лексик-синтактик, лексик-морфологик усуллар билан ифодаланиши исботланган;

ўзбек тили лексик тизимидаги жинс тушунчасини ифодаловчи сўзларнинг мавзуй таснифи яратилган;

гетеронимларнинг семантик структурасида жинс маъноси бир хил мавқега эга эмаслиги, жинс тушунчасини ифодаловчи сўзлардаги маъно тараққиёти очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.**

ўзбек тилида биологик жинс тушунчасининг ифодаланиши илк бор монографик планда назарий аспектда тадқиқ этилган, жинс тушунчасини ифодалашда анъанавий лексик-семантик, морфологик ва синтактик усуллардан ташқари аралаш, яъни лексик-синтактик ва лексик-морфологик усуллар мавжудлиги далиллар асосида кўрсатилган;

ўзбек тилида аёл жинсини ифодаловчи қадимги формантлар (-чин ва -ча) борлиги аниқланган;

йирик турколог олимлар аёл жинси форманти сифатида белгилаган -им аффиксининг аслида жинсни ифодаловчи аффикс эмаслиги исботланган,



бадий адабиётда жинсни ифодалашда қайси маъно кўчиш усулларидадан кўпроқ фойдаланилиши ва унинг лингвистик механизмлари очиқ берилган;

биологик жинс тушунчасини ифодалаш масаласига оид ишларни кенгайтириш ва такомиллаштириш мақсадида янги лингвистик терминлар: гетерофитоним, гетероантропоним, гетерозооним, гетеродиалектизм ва бошқаларни киритиш таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг тавсифлаш, қиёсий-тарихий, чоғиштириш каби усуллар билан асослангани, жинсни ифодалаш муаммоси ўзбек тили табиатидан келиб чиқиб ёритилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилида жинс тушунчасининг лексик, морфологик, синтактик, лексик-синтактик ва лексик-морфологик усулда ифодалангани, қадимги туркий тилда грамматик жинс категорияси борасидаги хулосалар ўзбек тили лексикаси, сўз ясалиши, тил тарихига оид назарий қарашларни такомиллаштиришга хизмат қилгани, ўзбек тилининг лисоний имкониятлари соҳасидаги илмий изланишлар доирасини кенгайтиргани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Умумий тилшунослик», «Қиёсий тилшунослик», «Лингвомаданиятшунослик» каби ўқув қўлланмалар, дарсликлар ва терминологик луғатларнинг янги вариантларини яратишда, паррандачилик, қорамолчилик соҳаларига оид икки тилли таржима луғатларини тузишда муҳим манба бўлиши, биологик жинс билдирувчи бирликларнинг лексикографик таҳлилларидан она тили таълимида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тилида жинс тушунчасининг ифодаланишини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Мисқол пари», «Гулнор пари», «Равшан» каби дostonлар тилида учрайдиган *хур, пари, гул, Биби Сешанба, Биби Мушкулкушо* каби аёл жинсини ифодаловчи мифонимлар, *дев, Хизр, гўччоқ* каби эркак жинсини ифодаловчи лексемалар изоҳларидан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган Ф1-ФА. 2012-1-8 рақамли «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари» (2012-2016) фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 14 мартдаги 3/1255-734 сонли маълумотномаси). Натижада, дostonлар учун ёзилган изоҳларининг илмийлиги таъминланган, лексикографик тавсифлари мукаммаллашган;

тадқиқотчи томонидан таклиф этилган *гетероним, гетероперсоним, гетеромифоним, гетерофитоним, гетерозооним* каби терминларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг изоҳи борасидаги хулосаларидан ФА–Ф1-Г041 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» (2012–2016) номли фундаментал лойиҳасида

фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 14 мартдаги 3/1255-734 сонли маълумотномаси). Илмий натижалар асосида «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» янги терминлар билан бойиган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, улардан 5 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, диссертация ишининг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **1-боби «Тилда жинс категорияси генезиси»** деб номланади. Ушбу боб уч қисмдан иборат. Мазкур бобда дунё тиллари мисолида жинс тушунчаси ифодаланишининг тадқиқ этилганлик даражаси ўрганилган. Мазкур бобнинг «Тилларда жинс тушунчасини ифодалаш тарихидан» деб номланган биринчи фаслида тилда жинс тушунчасининг ифодаланиш тарихи қадимги туркий тил, ҳинд-европа бобо тили мисолида таҳлилга тортилган.

Тил ривожланишининг дастлабки босқичларида тирик мавжудотларни ифодалашда жинс тушунчаси эътиборга олинмаган. Ҳинд-европа бобо тилида грамматик жинснинг пайдо бўлиши масаласини ўрганган В.В.Иоффе: «Қадимги юнон тили маълумотлари кўрсатишича, мавзуй асосларга мансуб бўлган тирик мавжудотлар номлари дастлаб жинс нуқтаи назаридан фарқланмаган<sup>15</sup>», – деб ёзади. Буни жинсий фарқланиш умуман мавжуд бўлмаган, тарихан қадимийроқ бўлган тил (масалан, банту тили) материаллари, шунингдек, ҳар қандай тилда мавжуд бўлган, жинс нуқтаи назаридан нейтрал сўзлар воситасида исботлаш мумкин. Ҳозирги замонавий тилларда муайян бир жинсни ифодалашга хосланган сўзлар ҳам аслида нейтрал сўзлардан келиб чиққан. Битта сўз баъзи тилларда эркак жинсини ифодалаб, бошқа тилларда аёл жинсини ифодалаши бу тахминий мулоҳазани

<sup>15</sup> Иоффе В. В. Происхождение и развитие категории рода в праиндоевропейском языке // Филологические науки. – М., 1973. – №2. – С. 59.

исботлайди. Қиёсланг: чечен тилида – bā-bā (буви), турк тилида – ba-ba (ота); ўзбек тилида – момо (буви), грузин тилида – d̄əd̄ə (мама) – дада.

Бобнинг 2-фасли «Туркий тилларда грамматик жинс муаммоси» деб номланган. Қадимги туркий ва эски ўзбек тиллари материаллари таҳлили қадимда жинс нуқтаи назаридан фарқли қўлланган кўплаб ҳайвон номлари мавжуд бўлганини кўрсатди. Қуйида тарихий луғатларда келтирилган, эркак ва урғочи ҳайвон ҳамда парранда номларидан иборат жадвал келтирилди.

Эркак ҳайвон ёки парранда номи	Манба	Маъноси	Урғочи ҳайвон ёки парранда номи	Маъноси	Манба
азғир	ДЛТ	айғир	арвана	урғочи туя	Жамолиддин Туркий
айрақ	Таржумон	тоғ кўчқори	арқар	урғочи тоғ эчкиси	ДЛТ
азғирақ	ДЛТ	айғир	эчку	урғочи эчки	ДЛТ
атан	ДЛТ	ахта туя	барчин	урғочи ўрдак	МЛ
буғра	ДЛТ	эркак туя	иңак	сигир	ДЛТ
басрақ	Ат-тухфа	нортуя	иңак	урғочи тошбақа	ДЛТ
бийсарақ	Ат-тухфа	нортуя	иңан	урғочи туя	ДЛТ
бухти	НФ	нортуя	йымға	урғочи тоғ эчкиси	ДТС
жамол	МЛ	нортуя	марал	урғочи кийик	МЛ
икиш	Ат-тухфа	2 ёшли така	майа	моя	Келурнома
кулмуз	ДТС	эркак кийик	мегажин	урғочи чўчка	МЛ
көк чэтүк	ДЛТ	эркак мушук	уд	сигир	ДЛТ
оп	ДЛТ	Хирмон янчувчи хўкизларнинг ўртасидаги хўкиз	тiтiр	моя	ДЛТ
сўна	МТ	эркак ўрдак	тиши тазун	2 яшар урғочи қорамол	ДЛТ
тәкә	ДЛТ	така	чэтүк	урғочи мушук	ДЛТ
тазун	ДЛТ	2 яшар эркак қорамол	қалчокчи	урғочи кийик	МЛ
тартаз	Ат-тухфа	нар бедана	қанјiқ	урғочи ит	ДЛТ
тоқлi	ДЛТ	6 ойли кўчқор	қуна	2 ёшли тана	Ат-тухфа
улар	ДЛТ	нар каклик	қысрақ	байтал	Ат-тухфа
эркәч	ДЛТ	эркак эчки			
қоч, қочнар	ДЛТ	кўчқор			
қобон	ДЛТ	эркак чўчка			
кулун	ДЛТ	айғир, тойча			
хуна	МЛ	эркак кийик			

Рус олими Н.К.Дмитриев фикрига кўра, *-чин* аффикси қадимда аёл жинсидаги номларни ясашга хизмат қилган: *билдир-чин* (макиён булбул), *сигир-чин* (макиён чуғурчиқ), *қөйәр-чин* (дастлаб макиён каптар, ҳозир умуман каптар), *мәләр-чин* (нок нави), *мәкәр-чин* (урғочи чўчка)<sup>16</sup>. Ҳозирги ўзбек тили ва шеваларда *жин/-чин* аффиксига эга бўлган ҳамда «урғочи» маъносини ифодаловчи ҳайвон номлари мавжуд: *гунажин*, *мегажин*, *дўножин*<sup>17</sup>. Н.К.Дмитриевнинг фикрларини давом эттирган профессор Э. Бегматов *Барчин* аёллар исмидаги *-чин* аффиксини аёл жинси

<sup>16</sup>Дмитриев Н.К. О категории грамматического рода в азербайджанском языке // Известия Академии пед.наук. Вып. 40. – М., 1952. – С. 99.

<sup>17</sup>Тўйчибоев Б. Халқ тилида жинс тушунчасининг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 1. – Б. 88.

формантининг қолдиғи деб ҳисоблайди.<sup>18</sup> Ҳозирги туркий тиллар материали таҳлили Э.Бегматов фикри асосли эканлигини кўрсатди; «бар» ўзакли сўзлар аксарият туркий тилларда «куш» маъносини ифодалайди: ҳозирги қирғиз тилида *баарчын* (барчин) – ов қуши<sup>19</sup>, ёқут тилида *бар кыыл* сўз бирикмаси – 1) бургут, 2) афсонавий қуш<sup>20</sup>, олтой тилида *барынтычы куш* – йирткич қуш<sup>21</sup>, хакас тилида *парчых* – чуғурчук<sup>22</sup>, қозоқ адабий тилида *баршын* – 10 ёшдан ошган бургут<sup>23</sup>.

3-фасл «Гендер тилшунослик асослари ва унинг биологик жинс билан алоқаси» деб номланиб, унда гендер тушунчаси, гендер тилшунослиги ҳақида маълумот келтирилган. Гендер категорияси фаннинг тушунчавий аппаратиға ўтган асрнинг 60-йиллари охири – 70-йиллари бошида кириб келиб, дастлаб тарих, тарихшунослик, жамиятшунослик ва психологияда қўлланиб келди, кейинчалик эса тилшуносликда ҳам ишлатила бошлади. Одамнинг табиий жинси ва унинг ижтимоий оқибатларини ҳисобга оладиган гендер омили шахсиятнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, умр давомида унинг ўзига ҳослигини англашга ва жамиятнинг бошқа аъзолари томонидан сўзловчи субъектнинг идентификацияланишиға маълум даражада таъсир кўрсатади. Гендер тилшунослигининг тадқиқот объекти биз ўрганаётган мавзуга жуда яқин турса-да, айнан ўхшаш, бир хил эмас. Чунки биз табиий жинс жиҳатидан фарқланиб турадиган хоҳ инсон бўлсин, хоҳ ҳайвон ёки ўсимлик – барча мавжудотларни ўрганишни мақсад қилиб қўйганмиз. Гендер тилшунослиги асосида эса гендер, яъни ижтимоийлашган жинс ётади. Бизнинг тадқиқотимиз доирасида ўрганилган объектлар – ҳайвон ва ўсимликларда эса ижтимоийлашув мавжуд эмас.

Диссертациянинг **2-боби «Биологик жинс тушунчасини ифодалаш усуллари»** деб номланади. «Дунёда жинс у ёки бу тарзда лисоний ифода этилмаган биронта тил мавжуд эмас... Тилда маълум бир номинал классификациянинг мавжудлиги ёки унинг мавжуд эмаслиги ушбу тилнинг тирик мавжудотлар жинсини ифодалаш имкониятиға асло таъсир кўрсатмайди ва турк, мўғул, шунингдек, бошқа қатор тиллар каби ҳеч қандай номинал классификацияға эга бўлмаган тиллар жинсини фарқлашда икки ёки уч жинсли тиллардан сира қолишмайди»<sup>24</sup>.

Бобнинг «Гетеронимия ва маъно кўчиши» деб номланган биринчи фаслида лингвистик адабиётларда *гетеронимия* деб юритиладиган лексик-семантик усулда жинсини фарқлаш ҳақида маълумот келтирилган. «Гетеронимия – «лингвистик супплетивизм», турли ўзақлардан ҳосил бўлган

<sup>18</sup>Бегматов Э.А. Исмларда жинс тушунчасининг ифодаланиши // Ўзбек исмлари имлоси. (Русчада ёзиш масалалари). – Тошкент, 1972. – Б. 372.

<sup>19</sup>Юдахин К.К. Киргизско-русский словарь. – Фрунзе, 1985. – С. 89.

<sup>20</sup>Якутско-русский словарь. – М., 1972. – С. 63.

<sup>21</sup>Русско-алтайский словарь. – М., 1964. – С. 615.

<sup>22</sup>Хакасско-русский словарь. – М., 1953. – С. 144.

<sup>23</sup>Қазақ әдеби тілінің сөздігі. Он бес томдық. II том. – Алматы, 2011. – Б.741.

<sup>24</sup>Немировский М.Я. Способы обозначения пола в языках мира / Памяти академика Н.Я.Марра (1854-1934). – М-Л.: Из-во АН, 1938. – С. 216.

сўзлар орқали табиий равишда жуфтликларга ва қаторларга бирлашувчи предметларни номлаш»<sup>25</sup>.

Гетеронимлар – табиий жинси фарқланиб турадиган тирик мавжудотлар – инсон, ҳайвон ва ўсимлик ҳамда мифологик мавжудот номларидир. Уларни алоҳида термин билан аташ мақсадга мувофиқдир.

*Гетероперсоним* – у ёки бу жинс вакили эканлиги лексик маъносидан аниқ кўриниб турган ва одам тушунчасини ифодалайдиган гетероним: *ота-она, ога-она, чол-камтир, қиз-ўғил, амма-тоға*.

*Гетероантропоним* гетероперсонимнинг тури бўлиб, у ёки бу жинс маъноси акс эттирилган киши исмларини, яъни атоқли отларни назарда тутаяди: *Гулишан, Зарнигор, Ботир, Жасур*.

*Гетерозооним* – у ёки бу жинс вакили эканлиги лексик маъносидан аниқ кўриниб турган ва ҳайвон ҳамда парранда тушунчасини ифодалайдиган гетероним. Масалан, *қўй – қўчқор, моя – нортую, хўроз – макиён, айғир – бия, така – эчки* ва ҳ.к. Қадимги туркий тилда гетерозоонимлар фаол қўлланган. Масалан, «Девону луғотит турк»да келтирилган *Аркяч эти эм болур, эчку эти јәл болур*<sup>26</sup> (серка гўшти даво бўлади, эчки эти қоринни дам қилади) мақолида *аркяч – эчку* гетерозоонимлари берилган.

*Гетеромифоним* – у ёки бу жинс вакили эканлиги лексик маъносидан аниқ кўриниб турган мифологик мавжудот тушунчасини ифодалайдиган гетеронимлар: *пари, хур, ялмоғиз, Ҳизр, дев*.

*Гетерофитоним* – у ёки бу жинс вакили эканлиги лексик маъносидан аниқ кўриниб турган ўсимликлар дунёсига оид термин. Гетерофитонимлар тилимизда кўп учрамайди. Ботаника терминлари луғатидан уларга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: *мегаметофит, оогоний, карпогон, уруғчи, чангчи*.

Лексик-семантик усул билан жинсни ифодалашда турли маъно кўчиш усуллари фаол қўлланади. Жинс тушунчаси қуйидаги маъно кўчиш усуллари орқали ифодаланади:

1. **Метафора.** «Метафора нафақат кундалик ҳаётимизни, тилимизни, балки фикру хаёлимиз ва хатти-ҳаракатларимизни ҳам чулғаб олади»<sup>27</sup>. «Фақат бир жинсга нисбатан қўлланувчи метафорик маъноли сўз ёки бирикма»<sup>28</sup> лингвомаданиятшуносликда «гендер метафора» термини билан юритилади. Ўзбек тилида эркак жинсини ифодаловчи *шерамат (шер), ёлдор бўри, лўкча нор, чинор, гужум* каби гендер метафоралар учрайди: *Келаёттир йўлбарсдай бўп, Сатта бирдай шераматлар; Йўлбарсдайин сатта шерлар келибди; Туркман-ўзбекнинг ўткири, Сатта ёлдор бўри келган; Қип-қизил лўкча норлари, Гўрўглининг навкарлари...* («Гулнор пари»); *Чиройинг борида, чинорингни топ* (Мақол); *...бу файзиёб бозда ... Қурбон Муҳаммадризо деган томирлари Кубролар ва Рабғузийларнинг табаррук тупрогидан куч... олган*

<sup>25</sup> Аҳманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1969. – С. 98.

<sup>26</sup> Кошғарий М. Девону луғотит-турк. I жилд. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2016. – Б. 83.

<sup>27</sup> Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живём. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – Б. 25.

<sup>28</sup> Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент, 2015. – Б. 23.

*гужум бор.* (Я. Кўчқоров. Етти гужумнинг бири). Аёл жинсини ифодалашда *зол, попук, ой, моҳ, моҳпора, қуёш* каби метафоралар фаол: *Олдинда сизлар, ой попуқларим.* (Ойбек. Ол.в.ш.); *Тун-кун иши моҳпора фикри, Бу дарду гамига чора фикри.* (Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун.); *Заъф аро қилма Навоийга ситам, эй ойқим, Буйла айлабтур ани чархи ситамкор заиф* (Алишер Навоий. Ғазаллар); *Фалакка етса оҳим не ажабким, Мени ул Зухра кўзлук моҳ унутти* (Атойи); *Кўрмадим бир зарраи меҳр ул қуёшдин, эй рафиқ, Мунчаким кўнглум фалакдек бўлди саргардон анга.* (Убайдий).

2. Метонимия асосида маъно кўчиш тури ҳам биологик жинсни ифодалаш учун кўл келади. Янги туғилган чақалоқнинг қайси жинс вакили эканлигини аниқлаш учун, одатда, «ўғилми, ҳолва?» саволини беришади: *Шу пайт Кўзибой келиб қолди. – Ўғилми, ҳолва? – деди илжайиб. – Ҳолва! – деди Омонтой ҳам илжайиб.* (С.Аҳмад. Бўстон). Бу ўринда ҳам метонимик маъно кўчиш усулида жинснинг ифодаланишини кўрамиз. Зеро, қиз болани «ҳолва» сўзи билан номлаш ўзбекларнинг «қиз унашилганда, куёв томондан қиз томонга ҳолва юбориш»<sup>29</sup> одати билан боғлиқ. Шу боис, бундай ном кўчишни метонимия деб баҳолаш мумкин.

Шунингдек, диссертацияда *фитна, жоду, жерик, офатижон* каби сўзларнинг аёл маъносини ифодалаш метонимия орқали рўёбга чиққанлиги асосланган.

3. Синекдоха усули билан бадий адабиётда аёл образини ифодалаш бошқа усулларга қараганда кўпроқ учрайди. «Синекдохада номдошловчи билан номдошланувчи мутлақо бир нарса, шунингдек, уларнинг бири иккинчисининг таркибий қисми бўлади».<sup>30</sup> «Бойлар, зодагонлар оиласида ёлланиб хизмат қилувчи аёл, хизматкор аёл, чўри»<sup>31</sup> маъносида ишлатиладиган *оқсоч* сўзининг вужудга келиши ҳам синекдоха билан боғлиқ. Қорамолчилик терминологиясида синекдоха усулида ҳосил қилинган ва «урғочи қорамол» тушунчасини ифодаловчи *говэмчак, кўрэмчак, чиртэмчак, бирэмчак* каби сўзлар учрайди.<sup>32</sup> Синекдоха усулида маъно кўчишда *мўйлов, соқол* каби сўзлар орқали эркак маъноси ифодаланади: *Мен ... биз – деди мўйлов, икки юзи бўялган улкан қўғирчоқнинг юзидай ялтираб, – ишляяпмиз, домлажон* (Одил Ёқубов. Диёнат). – *Бу оригиналлик эмас, бориб турган бодилик, маҳмадоналик, Ғайбаров, – деди Соқол* (М.М. Дўст. Галатепага қайтиш).

Иккинчи бобнинг «Биологик жинсни ифодалашда морфологик ва синтактик усуллар» деб номланган иккинчи фаслида жинс тушунчасини ифодалашда фаол иштирок этувчи морфологик воситалар кўрсатилган. Ушбу фаслда араб тилидан кириб келган, аёл жинсини ифодаловчи *-а* кўшимчасининг а) асосан араб тилидан кириб келган сўзлар таркибида

<sup>29</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 550.

<sup>30</sup> Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент, 1975. – Б. 56.

<sup>31</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б. 182.

<sup>32</sup> Ўринова О.Т. Ўзбек тилидаги қорамолчилик терминларининг лексик-семантик тадқиқи: Филол. фан. номз... диссертацияси. – Тошкент, 2007. – Б. 63.

учраса-да, ўзакдан осонгина ажралиши: *шоир – шоира, адиб – адиба, муаллим – муаллима, голиб – голиба*; б) антропонимика доирасида келиб чиқиши арабча бўлмаган форсий ёки туркий асосларга ҳам қўшилиши: *Ёлқин – Ёлқина, Севар – Севара, Суюн – Суюна, Уйтўл – Уйтўла, Тўкин – Тўкина, Элгиз – Элгиза, Элдор – Элдора, Элзод – Элзода, Эркин – Эркина*; в) бошқа туркий тилларни ўрганган олимлар ишларида морфологик восита сифатида қайд этилиши кўрсатилган<sup>33</sup>.

Л.Решетова ва Қ.Умуровлар *-а* аффиксини ўзбек тилида табиий жинсни фарқловчи ягона кўрсаткич эмаслиги, *-им* шакли қадимги туркий тилда аёл жинсини шакллантиришда унумдор аффикс бўлганлигини таъкидлаб, ўзб. *хоним* // туркм. *ханым* // татар. *ханым* // чув. *хусам*<sup>34</sup> каби мисолларни келтиришади. Мисоллар турли тиллардан олинганлигига қарамай, уларнинг барчаси аслида битта сўз. Бизнингча, *хоним* сўзи таркибидаги *-им* аффикси жинсни ифодаловчи, ўтмишда «унумдор» бўлган аффикс эмас, балки эгалик қўшимчасининг тарихан қотиб қолган шакли бўлиши мумкин.

Ўзбек тилида жинсни ифодалаш учун қўлланадиган барча формантлар (*-а* қўшимчасидан ташқари) аффиксоид саналади. Аффиксоид – «аффикс вазифасида қўлланувчи морфема»<sup>35</sup>. Уларнинг барчаси аслида қадимда мустақил сўз сифатида ишлатилган лексемалардан келиб чиққан: *-хон, -бек, -бека, -той, -бачча (-вачча)*.

Синтактик усул ўзбек тилида жинсни ифодалашнинг сермахсул усулларида бири. Синтактик усул универсал характерга эга бўлиб, барча тилларда, ҳатто уч жинсли тилларда ҳам фаол қўлланади. Н.В.Бунамес рус тилидаги «автор» сўзига ҳам бирорта коррелят бириктирилмагани ва аёл жинси маъноси фақатгина синтактик усулда ифодаланишини ёзади<sup>36</sup>. Синтактик усул билан ҳосил қилинган, жинс тушунчасини англлатувчи бирликларни *қўшма сўзлар* ва *сўз бирикмаларига* ажратишимиз мумкин.

Қўшма сўзлар. А.Ҳожиёвнинг фикрига кўра, «қўшма сўзларнинг анчагина қисми сўз бирикмасининг (синтактик бирликнинг) луғавий бирликка ўтиши натижасида юзага келган. Бунда ҳар бир сўзнинг юзага келиши алоҳида амалга ошади»<sup>37</sup>. Масалан, аввал сўз бирикмаси ҳолида жинс маъносини ифодалаб, кейинчалик лексик бирликка айланган сўзлар қаторига қуйидагиларни қўшиш мумкин: *қайнона, қайнота, қайнсингил, қорбобо, қорқиз, куёвнавкар, бўйқиз* (бўйига етган қиз, балоғат ёшига етган қиз). Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг «Келурнома» луғатида жинсни ифодаловчи

<sup>33</sup> Қаранг: Дмитриев Н. К., Чистяков В. М. Род и согласование, Категория грамматического рода в русском и татарском языках // Очерки по методике преподавания русского и родного языков в татарской школе, 1952. – С. 14–15.

<sup>34</sup> Решетова Л., Умуров Қ. Род ва жинс категориясининг лексик-грамматик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1965. – №6. – Б. 35.

<sup>35</sup> Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б. 20.

<sup>36</sup> Бунамес Н.В. Андрогенность языка и проблемы синтагматики категории рода // Вестник Томского государственного университета. – Томск, 2014. – № 382. – С. 12.

<sup>37</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Тошкент, 2007. – Б. 11.

қуйидаги қўшма сўзлар берилган: *улуғ аба* (катта амаки), *улуғ ана* (буви), *улуғ ата* (бува)<sup>38</sup>.

Ўзбек қариндошлик терминологиясида *қайн*- сўзи иштирок этган атамалар кўпчиликини ташкил этади. «Қайин» сўзи асли *қазин* сўзи таркибидаги «з» ундошини «й» ундошига алмашинуви билан юзага келганини М. Кошғарий алоҳида таъкидлаган. *Қазин* сўзи эса «аёл» маъносини англлатган «катун» сўзи билан боғланади. Л.А.Покровская айрим туркий тилларда *қайин* сўзи фақат «хотиннинг туғишганлари» маъносини билдиришини, «эрнинг туғишганлари» маъносини билдириши кейинчалик юзага келганини таъкидлайди<sup>39</sup>. Шунга кўра *қайнана* сўзи дастлаб «хотиннинг онаси» маъносини ифодалаб, кейинчалик «эрнинг онаси» маъносини ҳам англата бошлаган. Ҳозирги татар тилининг айрим шеваларида ҳозир ҳам *каен* сўзи фақат «хотиннинг қариндошлари» маъносини, *каен йорты* бирикмаси эса «келиннинг овули» маъноларини билдиради<sup>40</sup>. Бундай шеваларда «эрнинг онаси» маъносини ифодалаш учун *биана(й)* сўзи ишлатилади<sup>41</sup>.

Сўз бирикмалари. Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида тирик мавжудотлар жинсини англлатишнинг энг сермахсул усули синтактик усул ҳисобланади. Ҳайвон жинсини ифодалашда *эркак*, *урғочи* каби сўзлар, паррандалар номини ифодалаш учун эса *нар*, *мода*, *макиён* сўзлари ишлатилади. Бу борада инсон жинсини ифодалаш учун ишлатиладиган сўзлар доираси нисбатан кенг. Масалан, аёл маъносини ифодалаш учун кўпинча *аёл*, *хотин*, *қиз*, *кампир*, *она*, *келин*, *опа*, *хола*, *амма*, *буви*, *ойи* ва бошқа сўзлар ишлатилса, эркак жинсини ифодалашда *йигит*, *чол*, *бола*, *ота*, *ака*, *ука*, *киши*, *куёв*, *ўғил*, *эркак* каби лексемалардан фойдаланилади<sup>42</sup>. Мисол учун: *фермер аёллар*; *спортчи қизлар*; *қоровул чол*; *соқчи йигит*.

Иккинчи бобнинг «Лексик-синтактик ва лексик-морфологик усуллар» деб номланган фаслида лексик-семантик валентлик ва конверсия (транспозиция) орқали жинс тушунчасини ифодалаш ҳақида маълумот берилган.

Ўзбек тилида *Дугонам турмушга чиқди* ёки *Акам уйланди* гапларини шакллантириш учун эга вазифасида келаётган лексеманинг семемасига эътибор қаратилади. Биринчи гапдаги *дугона* лексемаси семемасида «аёл» семаси мавжудлиги боис *уйланди* эмас, *турмушга чиқди* феъли танланади, яъни аёл жинсини ифодалайдиган сўзларнинг лексик-семантик валентлигида «уйланиш» феъли билан боғланиш имконияти мавжуд эмас. *Уйланмоқ* феъли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қуйидагича изоҳланган: «Бирор қиз ёки

<sup>38</sup> Мухаммед Якуб Чинги. Келур-наме (староузбекский-персидский словарь XVII века) Введение, транскрипция, перевод, глоссарий А.Ибрагимовой). – Ташкент: Фан, 1982. – С. 106.

<sup>39</sup> Покровская Л.А. Термины родства в тюркских языках / Историческое развитие лексики тюркских языков. – М.: Изд. Академии наук, 1961. – С.71–72.

<sup>40</sup> Османов М.М. Татарско-русский словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – С.332.

<sup>41</sup> Османов М.М. Кўрсатилган луғат. – С. 101.

<sup>42</sup> Расулова М. Инглиз ва ўзбек тилларида жинс тушунчасининг ифодаланиши ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 1997. – №1. – Б. 89.



аёлни ўз никоҳига олмоқ, оила қурмоқ (эр киши ҳақида)»<sup>43</sup>. *Уйланди* сўзининг фақат эркакларга нисбатан қўлланишини, назаримизда, тилда шаклланган анъана билан боғлаш ўринли. Зеро, бошқа туркий тилда худди шу сўз иккала жинс вакилларига нисбатан ҳам қўлланади. Масалан, турк тилида *əvləntek* (уйланди) сўзи ҳам эркак, ҳам аёлга нисбатан ишлатилади.<sup>44</sup> Бизда эса, шаклланган анъанага кўра, *уйланмоқ* феъли фақат эркак маъносини ифодалайдиган сўзларгагина бирика олади. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ҳозирда истеъмолдан чиқиб кетган *қабакладі*<sup>45</sup>, *қизаді* каби феъллар келтирилган. Бу сўзлар «қизни бузди, хароб қилди, қизлигини олди» деб изоҳланган. Албатта, бу лексик бирликлар эркак жинсидаги шахсга алоқадор сўзлардир.

Ўзбек тилида *бўйдоқ* сўзи фақат эркак кишига нисбатан қўлланади. *Ука, келинни пастга олиб тушинг, кўнгли беҳузур бўлаётганга ўхшайди. Бўйдоқ бўлганлигим учун бу гап қулогимга ҳам галати, ҳам аллақандай хуш ёқадиган бўлиб эшитилди.* (С. Аҳмад. Ҳикоялар.). Аммо бошқа туркий тилларда, хусусан, қирғиз<sup>46</sup> ҳамда бошқирд тилларида *бўйдоқ* сўзи ёлғиз аёлга нисбатан ҳам ишлатилади. Бошқа туркий тилда мазкур сўзнинг иккала жинс вакилига нисбатан ишлатилишини *бўйдоқ* сўзининг этимологик маъноси билан изоҳласа бўлади: *бўйдоқ* сўзи иккита, яъни *бўй* ва *тоқ* (якка) қисмлардан иборат бўлиб, «ёлғиз одам» деган маънони билдиради.

Айрим сўзларнинг фақат аёлларгагина нисбатан қўллана олишини Н.К.Дмитриев ҳам эътироф этган: *бирчак агартмаг* – сочи оқариб кетиши (аёлга нисбатан – чунки *бирчак* – «зулф, гажак» маъносини беради), *ўстунə кетмəк* – иккинчи хотин сифатида турмушга чиқмоқ<sup>47</sup>. Шунингдек, ўзбек тилидаги *махсимча*, *хотинчалиш* каби сифатлар «аёлга хос белгиларга эга» маъносини билдирса-да, фақат эркак жинсини ифодаловчи сўзларга бирика олади: – *Ҳе, ўша махсимча бошлигингиздан ўргилдим, – деди Мансур қўлини панишаха қилиб. – Қўл остидагиларига сўзини ўтказа олмаса, нима қип ўтирибди у курсида, хайронман.* (Аббос Саид. Қария).

Лексик-морфологик усулда жинсни фарқлаш соф ёки грамматик формантларга эга асоснинг бошқа сўз туркумига ўтишини назарда тутлади. Сўз ясалишининг лексик-морфологик усули бошқача – «конверсия» деб ҳам юритилади, яъни бу бир сўз туркуми доирасидаги сўз ёки сўзшаклнинг бошқа сўз туркумига айланиши демакдир.

Жинсни ифодаловчи сўзлар номлаш характериға эга бўлганлиги боис конверсиянинг асосан *субстантивация* тури фаол. Яъни белгини ифодаловчи сўз билан номнинг ўзи атала бошланади. Бу эллиптик жараён билан кечиши аниқ. «Эллиптик жараён... мураккаб тил ҳодисасининг натижасидир. Бунинг учун номдошловчини ифода этувчи сўз гапда аниқловчи бўлиб келади.

<sup>43</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б.272.

<sup>44</sup>Berdak Yusuf. Turkcha-o‘zbekcha lug‘at. – Toshkent, 2012. – B. 63.

<sup>45</sup>Девону луғотит турк. Индекс-луғат. – Тошкент: Фан, 1967. – Б.339, 361.

<sup>46</sup>Қирғыз тилининг түшүндүрмө сөзлүгү. – Фрунзе, 1969. – Б. 105.

<sup>47</sup>Дмитриев Н.К. О категории грамматического рода в азербайджанском языке // Известия Академии педнаук, 1952. – Вып. 40. – С. 97.

Кейин аниқланмишнинг эллипсисга учраши эса унинг вазифасини ҳам аниқловчига юклайди. Натижада, аниқловчи ифода этган объект номдошланувчи бўлиб қолади»<sup>48</sup>. Бадиий адабиётда субстантивацияга кўплаб мисоллар учратишимиз мумкин: *Бечора заифаи муштипарни шундай аямай урасизми? (Ҳожи Муъин Шукрулло. Мазлума хотин); Вусма бирла қошин ул маҳвашики рангин айламыш Не абрашдурки, секритмиши яна майдонга ул маҳваши.* (Алишер Навоий).

*Маҳваши* (ой юзли), *париваши* (парисифат) каби сифатлашлар (эпитетлар) фақат аёлларга нисбатан ишлатилади, шунинг учун юқоридаги *аёл* сўзи тушиб қолган ҳолатларда ҳам биз *маҳваши*, *париваши*, *дилдор*, *ойжамол* деганда фақат аёлларни тушунамиз. Бундай усулда жинсни ифодалаш узок ўтмишга бориб тақалади. Масалан, «Девону луғотит турк» да *эрсāk iшлār* «бузуқ ва адашган хотин» деб изоҳланган. Бу ерда *эрсāk* «эрсираган» маъносини беради. Табиийки, ясалиши ва семантикасига кўра бу сўз фақат аёл жинсини ифодаловчи сўзларга қўшила олади ва аниқланмиши тушиб қолган тақдирда ҳам «аёл» маъносини беради. Шунинг учун луғатда келтирилган «Эрсāk эргā тегмās, эвāk эвга тегмās» мақоли «Эркакка рағбатли, эр учун шошилган хотин эрга ёлчимайди, шошма-шошар одам уйига етолмайди» деб изоҳланган<sup>49</sup>.

Диссертациянинг **3-боби «Биологик жинс тушунчаси ифодаланган сўзларнинг лексик-семантик хусусиятлари»** деб номланиб, унинг биринчи фасли «Жинсни ифодаловчи сўзларнинг мавзуй таснифи»га бағишланган. Ифода объектига кўра жинсни ифодаловчи сўзларни иккита йирик гуруҳга ажратиш мумкин: 1) борликда реал мавжуд бўлган тушунчаларни англатувчи лексемалар; 2) мифологик мавжудотларни англатувчи лексемалар. Биринчи гуруҳга мансуб сўзлар 3 турга ажралади: одамни ифодаловчи лексемалар, ҳайвонларни ифодаловчи лексемалар, ўсимликларни ифодаловчи лексемалар.

Одамни ифодаловчи лексемаларни куйидаги лексик гуруҳларга ажратиш мумкин:

а) асосий маъноси аёл ёки эркак жинси маъносини ифодаловчи сўзлар. Масалан *қиз*, *жувон*, *дугона*, *канизак*, *жория*, *кампир*, *бева* каби сўзларда «аёллик» семаси бўртиб турган бўлса, *эр*, *йигит*, *чол*, *жўра*, *эркак*, *жўрабоши* каби бирликларда «эркаклик» семаси етакчилик қилмоқда. *Қизча*, *қизалоқ*, *ўғил*, *бачча*, *попук* (кўчма маънода), *хэлвэ* (*шв.* қиз чақалоқ), *қиз*, *бокира*, *йигит*, *канизак* (ёш чўри), *келинчак*, *жувон*, *хотин*, *эркак*, *каниз*, *кампир*, *чол*, *ёшулли // жашулли* (*шв.* қария, оқсоқол), *хэмтирэ* (*шв.* тенгқур чоллар), *жэжсин* (*шв.* маҳмадана кампир) каби сўзлар шу гуруҳга мансуб;

б) қариндошлик алоқаларини ифодаловчи сўзлар. Қариндошлик терминлари аксарият ҳолларда аёл ёки эркак тушунчалари билан бевосита боғлиқ бўлганлиги боис кўпгина қариндошлик терминларида биологик жинс маъноси акс эттирилади: *сингил*, *хотин*, *келин*, *қайнона*, *момо*, *болдиз*, *эгачи*, *қайнсингил*; *ўғил*, *қайнота*, *дада*, *күёв*, *ака*, *ука*, *божа*, *почча*, *язна*, *бобо*,

<sup>48</sup> Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент, 1975. – Б. 66.

<sup>49</sup> Кошғарий М. Девону луғотит турк. I том. – Тошкент, 1960. – Б. 129.

амаки. «Девону луғотит турк»да қариндошлик алоқаларини ифодаловчи жинсга боғлиқ айрим сўзлар берилганки, уларнинг баъзилари ҳозирги ўзбек тилида истеъмолдан чиқиб кетган, баъзилари эса турли маъно ўзгаришларига учраган: *атач* – отасига ўхшаш ўғил (26<sup>50</sup>), *аҷа* – опа (35), *эка* – опа (40), *балдиз* – хотиннинг синглиси (54), *ичиқим* – катта ака (94), *ичи I* – ака (101), *ичи II* – эрнинг катта укаси (101), *юрч* – хотиннинг ўғил укаси (142), *көкү, кокуи* – хола (166), *чиқан* – холанинг ўғли, жиян (329).

